

**"ТАСДИҚЛАНГАН"
“Худудий электр тармоқлари” АЖ
барча овоз берувчи оддий акциялари
Ягона акциядорининг
2023 йил 11 августдаги
13/11-5-сонли қарори билан**

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ ДИВИДЕНД СИЁСАТИ
ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

Тошкент – 2023й.

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРИНИ ВА ХИСОБЛАНИШИНІ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ	5
III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТҮЛАШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ	6
IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТҮЛАНИШИ БҮЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК	7
V. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ	8
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	8

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг (Кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон мажлиси баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомда Жамиятнинг дивиденд сиёсатида акс эттирилиши ва ва ошкор этилиши лозим бўлган масалалар келтирилган.

2. Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорларнинг фаровонлигини ва Жамият капитталашуви даражасининг оширилишига қаратилган.

Мазкур Низом акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати тўғрисида хабардор қилишга йўналтирилган ва Жамият Кузатув кенгашининг акциялар бўйича дивидендлар миқдори ҳамда уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ёндашувини белгилашга мўлжалланган.

Агарда Жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва норматив-ҳуқуқий хужжатлари, Жамият устави ва ушбу Низом нормалари билан тартибга солинмаган бўлса, унда ушбу масалалар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруратидан келиб чиқкан ҳолда хал этилиши керак.

3. Мазкур дивиденд сиёсати 2022-2026 йиллар даври учун ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият ушбу даврда дивидендлар тўлаш учун Кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлмаган миқдорда маблағ ажратади.

4. Жамият ўз капиталлашув даражасининг ошишини акциялардан даромад олишда акциядорларнинг мулкий манфаатларини қондиришнинг асосий усули деб ҳисоблайди.

Дивиденд сиёсатининг асосий мақсади бу Жамият акцияларининг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинадиган ва капиталлаштириладиган қисмлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштиришдан иборат.

5. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қўйидаги асосий тамойилларга асосланади:

Дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарликлари, шу жумладан дивиденд тўлаш ва миқдори бўйича қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги маълумотларни белгилаш ва ошкор этишни англатувчи шаффоффик тамойилига;

Дивидендларни тўлашда муддатларни белгилашни назарда тутувчи ўз вақтидалик тамойилига;

Дивидендларни тўлаш ва миқдори тўғрисида қарор фақатгина Жамиятнинг хақиқий молиявий ҳолатидан келиб чиқсан ҳамда ривожланиш режалари ва инвестиция дастурларини ҳисобга олган ҳолда ижобий молиявий натижага эришган тақдирдагина қабул қилиниши мумкинлигини кўрсатадиган асослантирув тамойилига;

Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида акциядорларнинг маълумот олишда тенг хуқуқларини таъминлашни назарда тутувчиadolatлиик тамойилига;

Дивиденд сиёсатининг тартиб ва тамойиларини қатъий амалга оширишни назарда тутувчи изчиллик тамойилига;

Корпоратив бошқарув тартиб-қоидаларини яхшилаб бориш доирасида дивиденд сиёсатини доимий равища таомиллаштиришни ва Жамиятнинг стратегик мақсадларидағи ўзгаришлар муносабати билан унинг қоидаларини қайта кўриб чиқишини назарда тутувчи ривожланиш тамойилига;

Жамиятнинг дивидендлар тўлашнинг барқарор даражасини таъминлашга интилишини билдирувчи барқарорлик тамойилига.

6. Жамиятнинг жойлаштирилган акциялари бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул (эълон қилиш) қилиш акциядорларнинг умумий йиғилиши хуқуқидир. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамиятнинг мажбурияти ҳисобланади.

Дивидендларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан солиқларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш, дивидендларни ўтказиш) дивиденд олувчи акциядорнинг зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Жамият ушбу мажбуриятни бажармаганлиги учун акциядор олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

8. Куйидаги акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди:

жойлаштирилмаган акциялар бўйича;

Жамиятнинг ўзи томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар бўйича;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа холларда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 54-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлашга ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

10. Жамият молиявий йилининг биринчи чораги, олти ойи, тўққиз ойи ва молиявий йил якунлари бўйича акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилишга) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир (ушбу низомнинг 8-бандида кўрсатилган холатлар бундан мустасно).

Молиявий йилининг биринчи чораги, олти ойи, тўққиз ойи ва молиявий йил якунлари бўйича акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарор тегишли давр тугаганидан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар Жамиятнинг соф фойдасидан ва (ёки) Жамият тасарруфида қолдирилган ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Бунда дивидендларни ўз вақтида тўлаш ва дивидендлар тўлаш учун маблағларнинг айланмадан олиб қўйилиши муносабати билан Жамиятнинг молиявий ахволи ёмонлашишига йўл қўймаслик мақсадида Жамият фойдаси ҳисобидан умидсиз дебиторлик қарзлари бўйича захира ташкил этилиши мумкин.

11. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши хар бир тоифадаги акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қиласди. Жамият Кузатув кенгаши акциядорларининг умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар беради. Дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилганидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

12. Акциядорларининг умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорида қуидагилар белгиланиши керак:

Дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акцияларнинг тоифаси (тури);

маълум турдаги хар бир акция учун дивиденд миқдори;
дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Бунда Жамият қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда ва шунингдек акциялар бўйича дивидендларни қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тулиқ тўлаб бериш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда дивидендларни ҳисоблаш (тўлаш) бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

13. Акциядорларининг умумий йиғилишига тавсия этиладиган дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан қуидаги омиллардан келиб чиқиб, белгиланади:

ишончлилиги аудиторлик хulosаси билан тасдиқланган молиявий ҳисоботдаги соф фойда миқдоридан;

Жамиятнинг кейинги даврлар учун молиявий-иктисодий режаларидан; тегишли давр охиридаги Жамиятнинг айланма маблағлари таркибидан; тегишли давр охиридаги Жамиятнинг қарздорлик юки миқдоридан.

14. Тавсия этилаётган дивидендлар микдорини белгилашда Кузатув кенгаши Жамиятнинг кейинги даврлар учун молиявий-иктисодий режаларини ҳамда Жамиятнинг айланма маблағлари ва мажбуриятларининг жорий ва истиқболли ҳолатини ҳисобга олиши керак. Бунда Жамият Акциядорларининг умумий йиғилишига Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилаётган дивидендларни тўланиши Жамият томонидан қўшимча қарз маблағлари ёки кейинги даврлар учун тасдиқланган молия-хужалик режасида назарда тутилмаган бошқа харажатларни жалб қилишга олиб келмаслиги керак.

III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

15. Жамият дивидендларни нақд пул ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёки Жамиятнинг қимматли қофозлари билан тўлайди.

16. Дивидендларни тўлаш тартиби ва муддати Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, лекин тўлаш муддати акциядорларининг умумий йиғилиши қарори қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.

17. Агарда дивидендлар Жамиятнинг айби билан акциядорларининг умумий йиғилиши қарори томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, акциядор томонидан Марказий банк тарафидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқсан ҳолда пеня ўндирилиши мумкин. Тўлаб берилмаган дивидендлар бўйича пеня микдори ушбу тўланмаган дивидендлар суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

18. Жамиятнинг акциядорлар билан ишлашни ташкил этиш ва олиб бориш функцияларини бажарувчи таркибий бўлинмаси Жамиятнинг бухгалтерияси билан биргалиқда Жамият томонидан ушбу Низомда назарда тутилган дивидендларни тўланишини ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга оширади.

19. Акциядорлар акциялар бўйича дивидендлар микдори, дивидендларни ҳисоблаш ва солиққа тортиш тартиби, дивидендларни тўлаш шартлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни сўраб Жамиятга мурожаат қилишга ҳақли.

20. Жамиятнинг хар бир акциядори ўзига тегишли акциялар бўйича дивиденд олиш ҳукуқига эга.

21. Единственный акционер обязан своевременно информировать Центральный депозитарий ценных бумаг, оказывающий услуги по учету прав на его акции, об изменениях своих данных. В случаях не предоставления акционером информации об изменении своих данных Центральный депозитарий, оказывающий услуги по учету прав на его акции, не несет ответственности за причиненные акционеру в связи с этим убытки.

22. Агар акциядор ўзининг банк реквизитларини ёки дивидендларни ўтказиши манзилини нотўғри кўрсатган бўлса ёки ушбу реквизитлар тўғрисида

Жамиятни хабардор қилмаса ёки улар ҳақида ўз вақтида хабар бермаса Жамият акциядорга етказилган зарар учун ёки дивидендларни тўлаб бераолмаганлиги жавобгар бўлмайди. Акциядорнинг айби билан ушбу бандда кўрсатилган сабабларга кўра нотўғри реквизитлар ёки манзиллар бўйича ўтказилган дивидендлар суммалари Жамиятга қайтарилиганидан сўнг дивидендларни тўғирлаб кўрсатилган реквизитлар бўйича акциядорга қайта ўтказишда уларни қайтариб олиш ва қайта юбориш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташланади.

23. Жамият акциядорга тегишли бўлган акциялар бўйича даромад тўлашда солиқ агенти ҳисобланади ва ҳисобланган дивидендларни амалдаги қонунчиликда белгиланган солиқларни чегириб ташлаган ҳолда тўлайди. Стандарт солиқ ставкалари қўланилмаслиги керак бўлган акциядор Жамиятга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган тасдиқловчи хужжатларни тақдим этади.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАНИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

26. Жамият хар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

27. Дивидендларни тўлашда акциядорларнинг хеч бири тўлов муддатлари бўйича устунликка эга эмас.

28. Жамият ижро органи Жамият акциядорларига дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб берилиши учун жавобгардир. Ижро органининг дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб бериш харакатлари устидан назоратни Жамият Кузатув кенгаши амалга оширади.

29. Ҳисобланган дивидендларнинг тўланишини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендларни тўлаш жараёни тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Жамият ижро органининг айби билан дивидендлар тўлиқ тўланмаган ёки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Кузатув кенгаши айбдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилайди ва уларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллади.

30. Жамият ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда акциядорлар хар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни суд тартибида тўлашни талаб қилишга ҳақли.

31. Жамият зимаасига солиқ агентининг дивидендлар бўйича солиқ суммаларини ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича юкланган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

V. МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ

32. Мазкур Низом ва шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият акциядорларининг тегишли умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан сўнг ўн кун ичида Жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

33. Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда Жамият қонун хужжатларида белгиланган муддатларда мухим фактлар тўғрисида хабарнома шаклида маълумотларни ошкор қиласди.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

34. Мазкур Низом ва унга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгashi ва Ижро органининг таклифига биноан киритилади.

35. Агар ушбу Низомнинг баъзи бир бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз қучини юқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва /ёки Жамият Уставидаги меъёрлар билан тартибга солинади.